КУТУБХОНАСИ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА 2-бет

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИДАН 3-бет

КОММУНАЛ ХИЗМАТИДАН МАМНУНМИСИЗ? 4-5-бетлар

ЯПОНИЯ — ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБИ 8-бет

ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 152 (10.205) / 2004 ЙИЛ 9 АВГУСТ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида сиёсий партиялар вакиллари иштирокида ўтказилган семинар-тренинг «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда «Туркистон» газетаси ҳамкорликларида ташкил этилган «Ёшлик — умр баҳори», «Ўйла, изла, топ», «Бошқотирмалар» мавзуларидаги кўрик-танловларнинг якуний босқичи ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат болалар кутубхонаси ташаббуси билан шу соҳа ходимлари иштирокида уюштирилган «Энг яхши болалар кутубхоначиси» кўрик-танловининг ғолиблари аниқланди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан уюштирилган семинар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳукумат томонидан чиқарилаётган қарорларнинг бажарилиши масаласига бағишланди.

● **«ЭКОСАН»** халқаро хайрия жамғармаси фаолларининг йиғилишида Меҳр ва мурувват йилининг олти ойи мобайнида бажарилган ишлар ҳамда келгуси вазифалар муҳокама қилинди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика ўқувчилар саройи ҳамкорликларида ташкил этилган «Сайёра тинчлиги — юрт ободлиги» мавзуидаги кўрик-танловда иқтидорли болажонлар омадларини синаб кўришди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**Юртни яшнатувчи қурувчиларимиз бунёд этган замонавий иморатлари билан халқимизга беминнат хизмат қилиб келмоқдалар.**

**СУРАТДА: «Тошуйжойқурилиш» ташкилоти бунёдкорлари Эркин Қурбонов ҳамда Раим Мирзаахмедов янги уй пойдеворини режалаштирмоқдалар.**



## Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига МУРОЖААТ

2004 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикасида содир этилган ва бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги хабар бизни қаттиқ ғазабга солди.

Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қўмитасининг барча аъзолари номидан Ўзбекистон Республикаси халқи ва ҳукуматига, қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз, жароҳатланганларнинг тезда соғайиб кетишини тилаймиз.

Биз бу жиноий ҳаракатларни кескин қоралаймиз. Дўст ўзбек халқи билан ҳамиша ҳамкор ва ҳамжиҳатмиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро террорчиликнинг барча шакл ва кўринишларига қарши курашдаги принципиал позициясини қўллаб-қувватлаймиз.

**Таро АСО,**
**Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қўмитаси раиси**

### ЎзА ШАРҲИ

2004 йилда Японияда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қўмитаси тузилди. Унга Япониянинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий доираларининг энг нуфузли вакиллари, жумладан, Парламент депутатлари, вазирлар, етакчи банклар ва корпорациялар раҳбарлари, таниқли таълим, фан, маданият ва санъат арбоблари кирган.

Ўзбекистонда ҳам Япония билан ҳамкорлик қўмитаси ташкил этилган.

2004 йил июлда Токиода иккала қўмитанинг биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда сиёсий, иқтисодий ва маданий гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қўшма ҳаракат дастури ишлаб чиқилди ҳамда бу ҳақда тегишли Меморандум имзоланди.

Қўшма мажлисда Япония қўмитасининг фахрий президенти, собиқ Бош вазир Й.Мори ва қўмита раиси, Парламент депутати, Япония ҳукумати вазири Т.Асо Япония Ўзбекистондан бошқа дунёнинг бирон-бир мамлакати билан бундай қўмита ташкил этмаганини алоҳида таъкидлади. Бу япон халқи ва жамоатчилигининг ўзбек халқига юксак ҳурматининг эътирофи бўлиб, Президент Ислом Каримов томонидан ислоҳотларни жадаллаштириш, Ўзбекистон суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлашга бўлган интилиши ифодасидир.

## ҚУРУВЧИЛАР БАЙРАМИ

**«Туркистон» саройида қурувчиларнинг анъанавий касб байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қурувчилар, муҳандислар, соҳа фахрийлари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Файзуллаев мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Юртимизда шаҳарсозлик, қурилиш ва меъморлик тобора ривожланиб, соҳага замонавий технологиялар, хорижий сармоялар кенг жалб этилаётир.

Қурувчиларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги байрамига юртимиз кўркига кўрк қўшадиган янги иншоотлар, тураржой бинолари, равон йўл ва кўприклар, таълим, спорт ва тиббиёт муассасалари туҳфа этмоқдалар.

Таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти кечага алоҳида файз бағишлади.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Америка халқаро таълим кенгаши - АКСЕЛС билан самарали ҳамкорлиги натижаси ўлароқ, мамлакатимизда бир неча ўқув дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда.**

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ана шундай ҳамкорлик лойиҳаларидан бири - «Ўқувчилар дастури» доирасида ҳар йили умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида уч босқичда инглиз тили танлови ўтказилаётир. Ғолиблар бир йил давомида АҚШда таҳсил олмоқда. Ҳозиргача қарийб 650 нафар ўқувчи шундай имконга эга бўлди.

Пойтахтимиздаги «Гранд Орзу» меҳмонхонасида жорий йил мазкур танловда ғолиб деб топилган ёшларнинг бир гуруҳини АҚШга кузатиш муносабати билан ўтказилган йиғилишда шу ҳақда гап борди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ёш авлод камолотидаги ўрни, йигит-қизлар жаҳон андозалари даражасида билим олиши учун яратилаётган қулайликлар ҳақида сўзлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилиши бу борада янада кенг имкониятлар очиб бериши таъкидланди.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Мамлакатимиздаги йирик матбаа корхоналаридан бири бўлган Polifeks шўъба корхонаси бир миллиард сўм миқдоридаги корпоратив облигацияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди.**

● **Жиззахда Мустақиллик байрамининг 13 йиллиги арафасида «Истиқлол» болалар истироҳат боғи қуриб битказилди. Боғ ёнида бунёд этилган болалар спорти мажмуасида ўғил-қизлар спортнинг бир қанча турлари билан шуғулланишлари мумкин.**

● **Самарқанд вилояти Ёшлар марказида Республика Вазирлар Маҳкамасининг тарихий обида — Шоҳи Зинда мажмуасини таъмирлаш ва ободонлаштириш тўғрисидаги қарори ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

● **Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида жойлашган Марказий Осиёда ягона «Бурсел Тошкент текстил МЧЖ» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида тайёрланган маҳсулотларнинг дастлабки туркуми Америка Қўшма Штатларига жўнатилди.**

● **Наманганда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Фарғона водийси вилоятлари транспортчиларининг семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

● **Украинада президентликка сайлов жараёни номзодлар сони бўйича мамлакат тарихида рекорд кўрсаткич билан бошланди. Мамлакат Марказий сайлов комиссияси сайловда 20 нафарга яқин номзод қатнашишини тахмин қилган ҳолда амалда уларнинг сони 26 нафарни ташкил этди.**

● **Ироқ қаршилик кучлари жангарилари Киркук-Жайҳан нефть ҳудудини портлатганидан сўнг Ироқ муваққат ҳукумати нефть экспортини номаълум муддатгача бутунлай тўхтатди.**

● **НАТО олимпиада ўйинлари хавфсизлигини таъминлашда керакли ёрдам кўрсатишини Греция ҳукумати маълум қилди. Олимпиада ўйинлари кунлари АВАКС разведкачи самолётлари мамлакат осмонида, НАТО ҳарбий кучлари кемалари денгиз бўйларида патруллик қилади.**

● **Қирғизистоннинг Хон-Тангри чўққисидан қор кўчиши оқибатида турли мамлакатлардан келган 50 га яқин альпинист жабрланди.**

● **Тожикистон пойтахти Душанбедан 180 километр жанубroқда жойлашган Афғонистон билан чегара ҳудудда чегарачилар 1 тоннадан зиёд героинни қўлга олишди.**

## Оламда нима гап?

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Польшада фашист босқинчиларига қарши кўтарилган Варшава исёнининг 60 йиллиги тантанали нишонланди. Ушбу тантанада қатнашиш учун Варшавага Германия Канцлери Герхард Шрёдер ва АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл ташриф буюрдилар.

● АҚШ хавфсизлик хизматлари раҳбарлари разведка маълумотларига таянган ҳолда, «Ал-Қоида» гуруҳи томонидан Вашингтон ва Нью-Йорк штатларининг молиявий секторига қарата ҳужум уюштириш хавфи мавжудлигини ва юз бериши мумкин бўлган ҳужумнинг олдини олиш мақсадида юқори хавфсизлик чоралари кўрилаётганлигини билдирди.

● Фаластин маъмуриятига қарашли Ғазо минтақасида яна зўравонликлар содир этилди. Фаластиннинг «Исломий Жиҳод» ва «Ал-Ақса мазлумлари» гуруҳи қўшма баёнотида айтилишича, бу гуруҳларнинг 3 нафар аъзоси Исроил ҳарбийлари томонидан ўлдирилган. Шунингдек, Исроил радиосининг хабарига кўра, Хон Юнусдаги қочоқлар лагерида қуролли гуруҳлар ва Исроил ҳарбийлари ўртасида юз берган тўқнашувда бир аёл ҳалок бўлиб, олти нафар одам жароҳат олган.

● «Жейнс» журналида босилиб чиққан мақолада айтилишича, Шимолий Корея АҚШ ҳудудига қадар етиб бора оладиган баллистик ракета устида иш олиб бормоқда. Манбада келтирилишича, ракета кема ёки сувости кемасидан учирилиши мумкин. Мақолада собиқ совет даврида яратилган ракеталардан кўчирма олинганлиги таъкидланади.

● Парагвай пойтахтидаги «Икуа Боланьос» савдо марказида ёнғин чиққанлиги тўғрисида олдин хабар қилганди. El Universal газетаси хабар тарқатишича, ёнғин оқибатида қурбон бўлганлар сони 462 нафарни ташкил этди. Шулардан 325 нафарининг шахси аниқланди. 409 нафар жароҳатланганлар айни пайтда шифохонага жойлаштирилди.

● Мисрда олиб борилган археологик қазилмалар натижасида Аҳмим шаҳрининг Соҳаг қишлоғидаги чўлда Фиръавн Рамзес II нинг ҳайкали қисмлари ва ҳайкал ўрнатилган супача топилди. Супачани ўлчаб текширган олимлар ҳайкални эрамиздан аввал 1298-1235 йилда яшаб ўтган Фиръавнга тегишли бўлиши мумкин, деб тахмин қилмоқдалар.

● Жаҳон киномухлисларига яхши таниш «Агент 007» фильмларида Жеймс Бонд сиймосини яратган 51 ёшли Пирс Броснан кейинги фильмларда суратга тушишдан бош тортди. Эндиликда бу ролни ижро этиш учун кўплаб Холливуд юлдузлари даъвогарлик қилдилар. Жуд Ло, Орландо Блум ва Эван Макгрегорлар шулар жумласидандир. Аммо бу актёрларнинг биронтасига ҳам Жеймс Бонд ролини ижро этиш насиб этмади, чоғи. Сабаби, Австралия киносининг юлдузи Эрик Бана ушбу ролни «илиб кетиш»га муваффақ бўлди.

# САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

**Ўзбекистон Республикасида миллий давлатчиликни қуриш жараёни сиёсий тизим ислоҳоти ҳамда сайлов қонунчилигини ишлаб чиқиш билан узвий ва мантиқий бирликда олиб борилди. Эндиликда республикамизда сайлов қонунларининг яхлит мажмуи юзага келди. Айниқса, Олий Мажлис ҳамда маҳаллий давлат вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йўлига ўтиш жараёнида унинг конституциявий уфқлари аниқланган шароитда ишлаб чиқилганини ҳамда республика Конституцияси асосида қурилганини таъкидлаш жоиздир.**

Сайлов тўғрисидаги қонунларнинг конституциявий негизини Асосий Қонунимизнинг XVIII, XXI, XXIII боблари ташкил этиб, улар «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»даги «Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг негизи бўлмоғи лозим, бу ирода вақти-вақти билан бўладиган ва сохталаштирилмаган сайловларда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар воситасида ўтказилиши керак», — деган умумэътирофга мос келади.

Сиёсий партия ва ҳаракатлар ҳозирги замон демократиясининг ажралмас таркибий қисми, сайлов кампанияларининг асосий иштирокчилари ҳисобланади. Узоқ муддатли демократик анъаналарга эга бўлган мамлакатларда сиёсий партиялар ижтимоий фикрни, халқнинг сиёсий иродасини шакллантиришга йўналтирилган демократик жараёнда ва уни сайловларда тўла ифода этишда етакчи ўринни эгаллайди.

Ҳозир демократик давлатларда ўтказилаётган сайлов кампаниялари тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қандай сайлов — бу партияларнинг сайловидир, яъни партиялар — сайлов жараёнининг асосий субъекти ҳисобланади. Шунинг учун демократлаштириш жараёни кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ўз ичига олади. Мазкур жараённинг муҳим таркибий қисми — сайловлар тизимининг вужудга келишида кучли омил бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, сайлов кампанияларида, халқнинг сиёсий иродасини шакллантириш ва уни ифодалашда партияларнинг ролига ҳанузгача турлича баҳо бериб келинмоқда.

2003 йил 29 августда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур Қонун Конституциянинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга қўйиладиган талабларга тааллуқли қоидаларни ривожлантирган: а) фуқаролигининг мавжудлиги; б) сайлов кунигача йигирма беш ёшга тўлганлик; в) сайлов кунигача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида беш йил муқим яшаганлик г) айни бир шахс фақат бир сайлов округи бўйича депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин, д) содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар, ҳарбий хизматчилар, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари, шунингдек диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар томонидан амалга оширилади. Улар партия, номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан қонунда белгиланган миқдорда сайловчиларнинг имзосини тўплаши лозим. Сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзодлар сайланган деб ҳисобланади. Агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч ва ундан ортиқ фоизи иштирок этган бўлса, сайлов қонуний ўтган деб ҳисобланади. Қонуннинг иккинчи бўлими Олий Мажлиснинг Сенатини шакллантириш масалаларига бағишланади. Мазкур палата Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг ҳудудий вакиллигини таъминлаши лозим. Сенат аъзолари давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органлари томонидан мана шу депутатлар орасидан сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Сенат аъзоларини сайлаш учун давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисини ўтказиш Қонунда назарда тутилган. Бунда мазкур мажлисда Сенат аъзосини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим.

Сенат тўғрисидаги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари сайлов тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритишни тақозо этди. Ана шу ўзгартишларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, қонун чиқарувчи, жумладан, Кенгашларнинг депутатлигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида беш йил муқим яшаганлик талабини (яъни конституциявий қонун сенаторликка номзодлар учун белгилаган ўтроқлик цензини) қўйган. Шу билан бир вақтда, сайлов куни 21 ёшга тўлган фуқаро депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин бўлса, сайлов куни 25 ёшга тўлган депутат Сенат аъзолигига сайланиш учун номзод бўлиши мумкин.

Парламент бошқаруви шароитида сиёсий партияларнинг фаоллашуви партиявий давлат назариясини ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Бу назария, жумладан, Веймар даврида немис олимлари томонидан ишлаб чиқилган. Аммо бугун ҳам немис конституциявий ҳуқуқ мутахассислари давлатда партиянинг мақоми ва парламент демократиясида уларнинг ролини таҳлил қилиш чоғида партиявий давлат тушунчасидан фойдали деб ҳисоблашади.

Улар сиёсий партиялар электорат ўртасида зарурий воситачи эканлигидан ва парламент кўпчилиги томонидан самарали бошқарув талабларидан келиб чиқадилар, демак партия тизимининг фаолияти табиий демократик жараённи ўзида ифода этади. Ушбу назарияга кўра партиявий давлат «давлат соҳасидаги бевосита демократия омухтасини ифодалайди, бу ўринда партия уюшган халқнинг даъват этувчи ҳисобланади, сайлов эса сиёсий дастур ва ҳаракатлар умумхалқ овозига қўйиш сифатида намоён бўлади, парламент барча сиёсий қарашлар мужассамлашган овозга қўйиш органидир». «Германия давлат ҳуқуқи» номли етти томли нашр муаллифларининг таъкидлашича, сайловларнинг қайтарилиб туриши улар ўртасидаги фарқни йўқотади, натижада аниқ бир шахс бевосита депутат бўлади, яъни овоз бериш йўли билан аниқ масала ҳал этилади. Партия эса муайян дастур ва сиёсий ислоҳотнинг кафолатчиси сифатида сайловлар орқали воситачи вазифасини ҳам бажаради.

Сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш, жумладан, партияларнинг молиявий манбаларини (нафақат сайловлар билан боғлиқ) шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга молик. Бу эса сиёсий партияларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалаларида марказий ўринни эгаллайди. Ҳозирги замон қонунчилигининг умумий қоидасига асосан, учта молиявий манба — сиёсий партияларнинг ўз маблағлари, хусусий молиялаштириш ва давлат томонидан молиялаштириш назарда тутилади. Турли мамлакатлар қонунчилигидаги ушбу манбалар нисбати ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш хилма-хилдир. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 64-моддасида республика парламенти сайловига тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўрсатилган. Хорижий мамлакатларда сиёсий партияларнинг молиявий фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш давлатнинг бу фаолиятни қатъий ҳуқуқий доирага ва ўз назоратига олиши билан тавсифланади. Бундай тартибга солишнинг асосий мақсади — партиялар фаолияти билан боғлиқ сиёсий коррупцияни тугатиш, сиёсий ҳаётни соғломлаштириш, кўппартиявийлик тизимининг нормал фаолият юритишини таъминлашдан иборат.

Сиёсий партияларнинг асосий вазифаси электорал бўлиб, бу уларнинг давлат ҳокимиятини эгаллаш учун мўлжалланган ташкилот сифатида мавжудлиги билан белгиланади.

Демократик жамиятда бу мақсадга фақат очиқ курашларда, партияларнинг аввало барча марказий давлат институтлари, давлат раҳбарлари ва парламентга (масалан Исроилда тўғридан тўғри сайлов орқали давлат раҳбари сайланади) бўладиган сайловларда иштироки орқали эришилади. Шунинг учун ҳам барча ҳуқуқий ҳужжатларда сиёсий партияларнинг электорал функцияси биринчи ўринга қўйилади.

Аммо электорал функция оммавий характерга эга бўлиб, уни амалга ошириш фақат уларнинг ҳуқуқи эмас, балки айни вақтда мажбурияти ҳам ҳисобланади. Бир қатор мамлакатлар қонунчилигида сиёсий партияларнинг сайловларда узоқ вақт қатнашмаслиги уларни тарқатиб юборишга ёки партия мақомидан маҳрум қилишга асос бўлади.

Партия ва сайлов — бу сайлов жараёнининг барча босқичларида функционал ўзаро боғлиқдир. Уларнинг алоҳида сайлов жараёнининг асосий субъекти сифатида сиёсий партияларга йўналтирилган ҳозирги сайлов қонунчилигида тўла ўз ифодасини топган. Шу билан бирга сайлов жараёнининг асосий субъекти — сиёсий партияларни тартибга солишда баъзи бир мамлакат қонунчилиги учун характерли бўлган икки ҳолатни таъкидлаб ўтиш керак. Биринчидан, сайлов қонунлари партияларнинг сайловга қатнашиши учун маълум шартларни қўяди. Баъзи мамлакатларда эса партия аъзоларининг сонига қаралади (масалан, Чехия ва Словакияда энг камида 10 минг партия аъзоси бўлиши керак). Яна бир ҳолатда сиёсий партия сайловдан олдин рўйхатдан ўтган бўлиши керак (масалан Россияда сайлов кунидан бир йил олдин ташкил этилган бўлиши керак). «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида қайд қилинганидек, сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишни қўллаб-қувватловчи камида 50 минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин. Бу чеклашлар шунинг учун киритилганки, майда, тасодифий, вақтинчалик сиёсий гуруҳларнинг сайловда қатнашишига йўл қўймасликдан иборат бўлиб, бундай гуруҳлар нафсониятли сиёсатдонлар томонидан ташкил этилиб, сайлов ўтгач, қумга тушган сувдай йўқ бўлиб кетади.

Маълумки, Ўзбекистонда 2004 йил декабрида икки палатали парламент шакллантирилади. Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган қонун сифатли ва пухта, чуқур ишлаб чиқилса, жамиятнинг ривожланиши ҳам шунчалик жадал, илдам бўлади. Қонунларнинг салмоғи эса бўлажак депутатларнинг кўп жиҳатдан сиёсий-ҳуқуқий билимдонлигига, дунёқарашига, ҳуқуқий маданиятига, уларнинг қонунлар ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамиятини қанчалик чуқур англай олишларига боғлиқ мезонлар орқали ўлчанади.

**Омонилла МУҲАММАДЖОНОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти доценти.**

*Транспорт*

## МЕТРОЛОГИК ХИЗМАТГА КЕНГ ЙЎЛ

**Тошкент метрополитенида метрологик хизматдан унумли фойдаланилмоқда. Бу техник ўлчов бирлиги ер ости поездларининг бир меъёрида қатновини ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида айниқса қўл келмоқда.**

Бугунги кунда ерости темир йўл қасрида метрологик хизматнинг 20 тури қўлланилмоқда. Метронинг метрология бўлими «АРМ-метрология» дастури бўйича иш юритиб, ҳаракат тартиби йўналишларини компьютерда ҳисоб-китоб қилишни йўлга қўйди.

Метронинг «Ўзбекистон» саройида бўлимнинг шохобчаси очилиши ҳам айни муддао бўлди. Бу эса саройда ҳаракат таркибини таъмирлашни жадаллаштиришни таъминлашда муҳим техник омил бўлаётир.

## ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

**Ҳаракат таркибининг бир меъёрида одимлашини таъминлаш транспорт корхоналари зиммасида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. «Тошшаҳарйўловчитранс» ҳиссадорлик кампанияси томонидан нозимлик хизматини қатъий йўлга қўйишга эътибор берилаётганлигининг боиси ҳам шунда!**

Транспорт хизмати сифатини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бошқармаси томонидан кўрилаётган тадбирлар ўз ижобий самарасини бермоқда. Йўналиш диспетчерлиги бўйича орттирилган бой тажрибалар асосида ўқув-методик қўлланма яратилди. Бу адабиётда бошқарма фаолиятининг қатор жиҳатлари ҳам ўз ифодасини топди.

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Пойтахтимиздаги «12-Автобус саройи» йирик транспорт корхоналаридан бири ҳисобланади. Аҳолига намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш билан бирга саройда деҳқончилик тадбиркорлиги ҳам ривож топмоқда.**

Унинг фермер хўжалиги фаолияти ҳам мақтовга сазовор. Ҳар сафаргидек бу йилги деҳқончилик ишлари яхши натижалар бермоқда. Полиз ва сабзавотчиликдан ҳам яхши даромад қилинмоқда. Биргина картошкадан 25 тонналик ҳосил олинди. Корхона транспортчиларига картошканинг бир қисми бепул берилди.

Транспортчилар фарзандлари дам олаётган болалар оромгоҳлари ҳам баракали ҳосил билан таъминланди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Сиёсий партиялар ҳаётидан*

## ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

**Азал-азалдан халқимизда устоз-шогирд анъанаси давом этиб келади. Билими, тажрибаси, илму салоҳияти, касби сирларини қунт ва сабот билан шогирдига ўргата олган саховатли устозлар кўпчиликнинг олдида уларга мустақил иш юритишлари учун оқ фотиҳа берадилар.**




Мана шундай хайрли анъанани Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши «Усто» ижодий ишлаб чиқариш ҳамда «Ҳунарманд» уюшмалари билан биргаликда давом эттириб, «Шогирднинг устозга таъзими» мавзусида чиройли байрам тадбирини ўтказдилар.



Меҳрибон устозлар шогирдлари билан йиғилган даврада ўз касбини севган ҳар бир устоз албатта шогирд камоли, униб-ўсишига ҳисса қўшиши лозимлиги, танлаган ҳунарига садоқатли қилиб тарбия бериш инсоний бурчи эканлиги ҳақидаги илиқ каломлар билдирилди.



Тадбирда иштирок этган эл ардоғидаги устозлар: ёғоч ўймакори, Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев, ганчкор уста, Ўзбекистон халқ устаси Мирвоҳид Усмонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг академиги Абдураҳим Умаровлар устозлар сўзини уққан ва жон қулоғи билан тинглаган шогирдлар ҳамиша эл-юрт ардоғида бўлишлари, ҳаёт тажрибалари ҳақида сўз юритиб, ёшларнинг келгусида заҳматли ва фахрли ишларида омадлар тиладилар.

Шунингдек, устозлардан Абдураҳим Умаров, Анвар Илҳомов, Убайдулла Қосимов, шогирдлардан Анваржон Алимбоев, Носиржон Набиевларга Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Нурилла Насимов томонидан партия билетлари топширилди.

Шундан сўнг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Камолиддин Беҳзод номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори Анвар Илҳомов сўз олиб кўрсатилаётган иззат-икром, эътибор учун миннатдорчилик билдириб, шу юрт равнақи, унинг эртанги порлоқ истиқболи учун ҳамиша хизмат қилишга тайёр эканликлари, шогирдлари ҳам муносиб издош бўлишлари ҳақидаги фикрларни билдирди. Устоз шогирдларга эсдалик совғалари топширилди.

Эътиборлиси, ушбу тадбирда бутун Ўзбекистондаги барча устоз-усталарга мурожаатнома қабул қилинди. Унда ҳар бир устоз ўсиб келаётган ёш авлодга нафақат ҳунар ўргатиши, балки уларнинг ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англашларига, саховатли, ҳимматли, билимли бўлишларига ёрдам бериши лозимлиги каби юксак инсоний фазилатлар ўз аксини топган.

Ҳам танишув, ҳам дийдор кўришув тадбирида устозларни улуғлаб янграган куй ва қўшиқлар барча йиғилганлар қалбида илиқ таассурот қолдирди.

Дарвоқе, ушбу тадбирда Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан академик лицей ўқувчилари учун «Ишбилармон ўқувчи» стипендиясини жорий қилиш бўйича ўтказилган танловда ғолибликни қўлга киритган энг аълочи ўқувчилар ҳам партиянинг «Ёшлар қаноти» томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бу стипендияни жорий қилишдан мақсад эса ёшларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик хислатларини ўстиришдан иборатдир.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Таъзим сизга, устозлар» тадбиридан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

**Маълумки, кейинги пайтларда юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар иши сезиларли даражада фаоллашиб бормоқда. Уларнинг мамлакат турли жабҳаларидаги иштироки аста-секин кенгаймоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг III конференциясида сўз юритилган масалалар ҳам ана шундан далолат беради.**

## САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА — ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Конференцияда ижтимоий ва сиёсий ҳаётни янада эркинлаштириш, бозор тузилмаларининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, аҳоли ижтимоий муҳофазасини кучайтиришда партиянинг иштироки масалалари муҳокама қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди дастурида устувор бўлиб қолиши кўзда тутилмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Латиф Ғуломов бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда биринчи навбатда партиянинг дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш асосий юмушлардан эканлигини таъкидлаб, бу сайловолди кампаниясида партия нуфузини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишини қайд этди. Партия шаҳар Кенгаши депутатлари доимий диққат-эътиборида пойтахтда фуқаролик жамиятининг асосий институтлари — маҳаллалар, ҳар хил турдаги нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш масалалари туриши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари конференция давомида уй-жой коммунал соҳаси, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва бошқа йўналишлар ишини яхшилашда партия ташкилотларининг иштироки масалалари хусусида ҳам сўз борди.

Конференцияда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг янги таркиби сайланди. Келгусида ҳам партиянинг шаҳар Кенгашини биринчи котиб сифатида Латиф Ғуломов бошқарадиган бўлди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига Республикамиз театрлари қатор ижодий армуғонлар ҳозирлашмоқда. Ўзбек Миллий академик драма театри ҳам қутлуғ санага атаб янги постановкаларни амалга оширди.**

*Санъат*

## ТЎЙГА ТЎЁНАЛАР

«Дарахтлар тик туриб ўлади» деб номланган спектакль ҳам тайёр бўлди. Таниқли режисёрлар Марат Азимов ва Валижон Умаровлар томонидан саҳналаштирилган бу постановка юксак инсоний туйғулар ҳақида ҳикоя қилади.

Бундан ташқари халқчил яна бир асар саҳна юзини кўрди. «Умр шомидаги бахт» деб номланган ана шу спектакль ҳам фалсафий мушоҳадаларга бой постановка сифатида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади.

Ҳар иккала саҳна асарида театрнинг етакчи ва истеъдодли актёрлари бош ролларни ижро этадилар.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Матбаа*

## ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР НАШРДАН ЧИҚДИ

**Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 2004-2005 ўқув йилига 33 номда мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ҳамда академик лицей ва коллежлар учун дарсликлар чоп этилди.**

Жумладан, 1, 2, 3, 4, 5, 6-синф ўқувчилари учун мусиқа дарсликлари, 6, 7-синфлар учун адабиёт дарслиги, 3-синф ўқувчилари учун табиатшунослик дарслиги янгиланиш руҳида яратилиб, рангли суратлар билан бойитилган ҳолда катта нусхада олти тилда нашрдан чиқди. Шунингдек, академик лицей ва коллеж ўқувчилари учун Д.Жабборованинг «Зардўзлик технологияси», О.Содиқовнинг «Хор партитурасини ўқиш» сингари ўқув қўлланмалари нашрдан чиқди.

**Гулором ШОКИРОВА**

№ 152 (09.08.2004) Тошкент оқшоми 5

*Қарор ва ижро*

# ФОЙДАСИ ЯҚҚОЛ КЎРИНМОҚДА

**Табиий газга бежизга «жоннинг роҳати» дея таъриф бермаймиз. Кундалик турмушимизга сингиб кетган ушбу қимматбаҳо неъмат кечаю кундуз мушкулимизни осон, оғиримизни енгил қилади. Ҳар бир газлаштирилган хонадон эгаси буни эътироф этиши аниқ. Шу боисдан ҳам уни тежаб-тергаш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик фақатгина лозим эмас, балки зарур. Бу борада эса аввало истеъмолчининг қай даражада табиий газнинг қадрига етиши муҳим ўрин эгалласа, хонадонларга газ сарфини ўлчаш ускуналарининг ўрнатилиши эса тежамкорликнинг асосий омили бўлмоқда.**



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида шу нарса алоҳида таъкидланганки, яъни табиий газ исрофгарчилигининг олдини олиш, тежамкорлигини таъминлаш мақсадида жорий йил охиригача газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ниҳояланиши керак. Аксинча эса ҳисоблагичлар ўрнатилмаган хонадонларга газ етказиб бериш тўхтатилиши кўрсатиб ўтилган.

Демак, фурсат кутиб турмайди, қарор ижросини таъминлаш масъул ташкилотлар зиммасига ҳам, хонадон эгалари учун ҳам бирдай масъулият юклайди. Ана шу масъулиятни дилдан ҳис этиш эса табиий газнинг аҳолига мунтазам ва бехатар етказиб беришда, хонадонларда ҳамиша «зангори олов» ёниб туришида замин бўлади.

Пойтахтимиз туманларида ҳам юқоридаги қарор ижросини таъминлаш учун режа асосидаги ишлар бугун қизғин паллага кирган. Бу борада Шайхонтоҳур туманидаги ишлар билан танишдик.

— Айни кунлардаги олдимизга қўйган энг долзарб вазифа хусусий уйларга газ ҳисоблагичлар ўрнатишни ниҳоясига етказишдир, — дейди «Тошшаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси «Шайхонтоҳургаз» филиали раҳбари Бахтиёр Шамсиев. — Негаки, газ ҳисоблагичлар ўрнатилмаган хусусий уйларга газ етказиб бериш 1 октябрдан тўхтатилиши назарда тутилган. Шу боисдан ҳам айни кунларда маҳаллалар оқсоқол ва фаоллари кўмагида айрим сабабларга кўра ҳисоблагичлар ўрнатилмаган уйларда пайвандчи бригадаларимиз тез ва соз меҳнат қилишмоқда. Ҳозирда жами 16 та пайвандчилар бригадалари ўзларига бириктилган ҳудудларда ишларни ташкил этишган. Улардан 4 таси тумангаз малакали пайвандчиларидан иборат бригадалардир. Шунингдек, «Қосимжон давр» ҳамда «Термизий» фирмалари ҳам шартнома асосида ишлашмоқда. Тўғри, бугунги кунлардан унумли фойдаланмасак, режадаги газ ҳисоблагичларни ўрнатиш мушкул. Шунинг учун ҳам вақтдан, имкониятдан самарали фойдаланиб, кундалик режани ортиғи билан уддалаяпмиз.

Туманда газлаштирилган хонадонлар жами 46574 тани ташкил этса, шу кунгача 30 мингга яқин хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатиб бўлинди. Тўғри, жорий йилнинг қолган даврида яна 16 мингтадан зиёд ҳисоблагичлар ўрнатиш керак. Бунинг учун эса иш аниқ режа асосида олиб борилмоқда. Газ ҳисоблагичлар етказиб беришда узилишлар бўлмаса, пайвандчи бригадаларнинг имкониятлари ҳам, куч-ғайратлари ҳам етади.

— Ўтказилган мониторинглар шуни кўрсатмоқдаки, — дейди Бахтиёр ака аниқ ҳисоб-китоблар билан изоҳлар экан, — айниқса, ҳисоблагич ўрнатилган хонадонлар аҳли ёз ойларида 60-70 фоиз тежамкорликка эришмоқда, бу оила бюджетига фойда, албатта. Шу боисдан истеъмолчилар ҳисоблагич фойдасини тажрибада ўзлари англаб етишмоқда. Шу ўринда қарздорлар масаласига ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Жорий йилнинг 1 августига қадар 35 миллион сўмга яқин қарзи бўлган 665 та хонадон газ тармоғидан узиб қўйилди. Буни қарангки, уларнинг 386 тасидан 19 миллион сўмдан ортиқ қарзни ундиришга муваффақ бўлдик. Ҳайрон қоларлиси, қарздорларнинг кўпчилигини тўловга бемалол қурби етадиган, лекин лоқайд, беparво истеъмолчилар ташкил этади. Ахир хизматдан фойдаланиб газини ёққач, пули чақмаслигини ҳам унутмаслик керакда. Негаки, истеъмолчи билан таъминотчи ўртасида тузилган шартномада, ёқилган газ ҳақи ҳар ойнинг 11 числосига қадар тўланиши лозимлиги ёзиб қўйилган. Энг муҳими эса истеъмолчининг ўз вақтида тўловларни амалга ошириши ўзига, қўни-қўшнисига намунали хизматни ташкил этишда қўл келади.





Мана ҳозирда туманда газ тизимини қиш мавсумига тайёрлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Албатта, ўтган йилдаги носозликларни, панд берган нуқталарни бартараф этиш анчагина маблағ талаб этади. Бу борада ҳам хонадон эгаларининг газ ҳақини вақтида тўлашлари муҳим аҳамият касб этади.

Халқимизда «Қарс икки қўлдан» деган ибора бор. Ана шуни унутмаган ҳолда истеъмолчи ҳам, таъминотчи ҳам ўз бурч ва мажбуриятларини унутишмаса, кўзланган мақсадга эришилади. Юқоридаги қарор ижросини ўз вақтида бажаришга интилаётган шайхонтоҳурлик газчилар вазифаларини тўғри англашмоқда, бу борада уларга аҳолининг ёрдами катта мадад бўлади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: чилангар Шуҳрат Аҳмедов газ ҳисоблагичлар ўрнатишда фаол иштирок этмоқда; туман газ раҳбари Бахтиёр Шамсиев ва ҳуқуқшунос Матлуба Валиева; тумандаги «Қоратош» маҳалласидаги хусусий уйларга газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ниҳоясига етмоқда.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда*

# ШИРКАТЛАРДА АМАЛИЁТ ЎТАМОҚДА

**Пойтахтимиздаги Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежи жамоаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида иш юритиб, таълим сифатини ошириш, йигит-қизлар касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллашлари учун имкониятлардан оқилона фойдаланишга эътибор қаратишган.**

70 нафардан зиёд моҳир педагог ва тажрибали усталар бу борада билим ва маҳоратларини сарфлашмоқда. Билим ва ҳунар масканида 900 нафардан зиёд талабалар 10 та йўналишлар бўйича таълим олишади. Умумтаълим фан хоналари, лингафон, компьютерлар хоналари талаблар даражасида жиҳозланиши баробарида, ҳунар сирларини мукаммал ўзлаштиришларида ўқув-амалиёт хоналари, устахоналарнинг ўзига хос ўрни бор. Ушбу устахоналар Жанубий Корея ва Голландиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган.

Коммунал соҳада ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда ушбу соҳадаги малакали кадрларга ҳам эҳтиёж катта. Коллежда ана шу соҳа кадрларини тайёрлаш учун иккита йўналиш бўйича талабаларга касб-ҳунар ўргатилмоқда. Газ таъминоти жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш ҳамда сув таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш йўналишлари бўйича механик, чилангар ва электрпайвандчилар тайёрланади.

— Ўтган йилда 20 нафардан зиёд талабаларимиз ушбу йўналиш бўйича диплом олишди ва тумандаги ширкатлар билан тузилган шартномага асосан уй-жой мулкдорлари ширкатларида иш фаолиятини бошлашди, — дейди коллеж директори Қобилжон Муҳамаджонов. — Жорий йилда бўлса ушбу йўналишлар бўйича 50 та талаба қабул қилишни режалаганмиз. Ҳозирги кунда аризаларни қабул қилиш давом этмоқда. Талабаларимиз коллежда олган билимларини туманимиздаги уй-жой мулкдорлари ширкатларида ўқув амалиёти ўтаб мустаҳкамлаш имкониятига эга. Бунинг учун барча ширкатлар билан шартнома тузганмиз.

Шунингдек, коллежда билим олиш, амалиёт ўташ, дам олиш, спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Коллеж хоналари эса ҳар йили таътил даврида қурувчи-талабалардан тузилган бригада аъзолари кўмагида таъмирдан чиқарилади. Асосий мақсад эса малакали кадрларни тайёрлаб, уларни халқ хўжалиги соҳаларига етказиб бериш, йигит-қизларимизни касб-ҳунарга йўналтиришдир.





**Дилфуза ҒАНИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: ишлаб чиқариш таълими устаси Рўзивой Валиев талабаларга амалиёт ўташда яқиндан ёрдам беради; касб-ҳунар ўрганишда компьютер сабоқлари ҳам қўл келади.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

# УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: истиқбол ва муаммолар

*Анжуманлар*

## САФАР ТААССУРОТЛАРИ АСОСИДА

**Шаҳар сиёсати соҳасидаги тадқиқотларга ихтисослашган, бошқарув масалаларига оид ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва масалаларни ўрганиш билан шуғулланадиган Урбан Институти (шаҳар институти)га 1968 йилда Вашингтонда нотижорат ташкилоти сифатида асос солинган бўлиб, ҳозирги кунда у дунёдаги 20 дан зиёд мамлакатларда турли лойиҳаларда иштирок этмоқда.**

Шу ўринда институтнинг Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда амалга оширилаётган, АҚШнинг Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) томонидан молияланадиган «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш» лойиҳасини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу лойиҳанинг мақсади фуқаролар ва ташкилотлар демократик маданияти даражасини ошириш, уларнинг маҳаллий бошқарувдаги иштирокини кенгайтириш, шаҳар бошқаруви жараёнларининг самарадорлиги, масъуллиги ва ошкоралигини кучайтириш бўлиб, республикамизда ушбу лойиҳа уй-жой мулкдорлари ширкатлари ғоясини ривожлантиришга қаратилган. Урбан институти юқоридаги лойиҳа асосида мамлакатимизда 2002 йил октябридан фаолият бошлаган бўлиб, ўтган давр мобайнида ўз олдига қўйган мақсадга эришиш ниятида 2 та кўрик-танлов ҳамда 115 та семинар машғулотлари ўтказилди. Ушбу анжуманларда республикамизнинг Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ва Фарғона водийсида фаолият кўрсатаётган кўплаб ширкатларнинг раҳбарлари, хонадон эгалари фаол қатнашишди. 4 мингдан зиёд уй-жой мулкдорлари ходимлари ўқитилди. Шунингдек, тажриба алмашиш ва малака ошириш мақсадида Урбан институти (Тошкент) томонидан Наманган, Қирғизистоннинг Ўш ҳамда Бишкек шаҳарларида ўқув семинарлари уюштирилди.

Яқинда яна бир гуруҳ Венгрия сафарида бўлди. Ўтган йилда эса Словакияга шундай сафар уюштирилган эди. Ана шу сафар тажрибаларини ўртоқлашиш, илғор ва керакли томонларини ўзимизда татбиқ этиш мақсадида Урбан Институти (Тошкент) томонидан «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари: Шарқий Европа тажрибаси» мавзуида семинар ўтказилди. Унда республика давлат ҳокимияти органи вакиллари, уй-жой коммунал соҳаси мутахассислари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уюшмалари раислари иштирок этишди.

Урбан институти (Тошкент) ҳамда таълим орқали ривожланиш Академияси (AED/USAID) томонидан уюштирилган бир ҳафталик сафар қатнашчилари Венгрияда бўлиб амалга оширилган уй-жой ислоҳотлари тажрибаси билан танишиш имконига эга бўлишди. Семинар ана шу сафар taассуротларига бағишланган бўлиб, қатнашчилар иштирокчиларга маълумотлар беришди. Сафардан кўзланган мақсад уй-жой мулкдорлари фаолияти, хусусий бошқарувчилар ва фойдаланувчи ташкилотларнинг хусусийлаштирилган уй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда иштироки билан танишишдан иборат бўлиб, бундан ташқари семинар иштирокчилари Венгрия ва Словакия давлатларидаги ушбу соҳа тажрибаларини солиштириш имкониятига эга бўлишди.

Сафарда бўлиб қайтган вакиллар ушбу семинарда йиғилганларнинг ҳар бир саволларига батафсил жавоблар қайтаришди, қизғин мунозаралар бўлиб ўтди. Семинар сўнггида намойиш этилган «Венгерча уй-жой мулкдорлари ширкатлари» фильми барчада қизиқиш уйғотди.

— Бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни ўз фаолиятимизда оқилона қўллаш ишимиз ривожини таъминлайди, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг истиқболида муҳим аҳамият касб этади, — дейди Асака шаҳридаги «Навбаҳор» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Ҳакима Алиева. — Бу борада ширкатларда бошқарувнинг демократик тамойилларини қўллашда Урбан институти (Тошкент) томонидан ўтказилаётган семинар ва ўқувлар, кўрик-танловлар катта ёрдам бермоқда. Шу боисдан ҳам ҳар бир семинарда иштирок этаман, бу ўзим бошқараётган ширкат муваффақиятларини таъминлашда қўл келмоқда.

Семинар иштирокчиларининг ўзлари учун муҳим ахборотларга эга бўлганлигини эса қизғин мунозара ва савол-жавоблар яққол тасдиқлаб турди.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

*Тўловлар*

## ПАЙСАЛГА СОЛИШ — ЎЗИНГИЗГА ЗАРАР

**Албатта, ҳар бир ишнинг вақтида бажарилгани яхши. Шу жумладан аҳоли томонидан коммунал хизматлар тўловининг ҳам.**

Лекин афсуски, шаҳримизда ушбу мажбуриятга лоқайдлик билан қараётган истеъмолчилар кўпчиликни ташкил этиб, уларнинг бу беparволиклари хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Келгуси йил кузги-қишки мавсумига тайёргарлик қизиган айни паллада уларга яна бир бора бу ҳақда эслатишни лозим топдик.

Қишда уйингизнинг иссиқ бўлишини хоҳласангиз, ҳозирдан ҳаракат қилмоқ лозим. Шу ўринда қарздорларга мурожаат этиш ўринли бўлармиди?! Жумладан, Миробод тумани, Қўйлиқ-4 мавзеси, 43-уй, 30-хонадондан Азизова 426269 сўм, Фитрат кўчаси, 4-уй, 14-хонадондан Ғиёсов 254560 сўм, шу кўчадаги 40-уй, 33-хонадондан Обидов 226358 сўм, Қўйлиқ-1 мавзеси, 20-уй, 31-хонадондан Собирова 211682 сўм, 2-уй, 25-хонадондан Абдуллаев 177798 сўм иссиқлик ва иссиқ сув тўловларини бажаришмаган. Уларни бир неча марта огоҳлантириш эса бефойда кетмоқда.

Ҳаётимиз манбаи бўлган сувни етказиб беришда, унинг тоза ва шаффофлигини таъминлашда қанча меҳнат ва маблағ сарфланади. Шу боисдан ҳам унинг қадрига етиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Истеъмол қилинган сув тўловларини тўлаш ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Қарздорлар Миробод тумани, Ободлик кўчаси, 61-уйда яшовчи Б.Маҳкамов (52 минг сўм), 9-уйдан Қодиров (55 минг сўм), Яккасарой тумани, Ботир Бобоев кўчаси, 76-уйдан Отамуҳамедов (78.555 сўм), Қорақум кўчаси, 23-уйдан Шукуров (68457 сўм) сингари қарздорлар ҳам буни унутмасалар, фақат ўзларига фойда.

Бугун барча кўп қаватли уйлардаги хонадон соҳиблари мулкдор — уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзоси. Умумий мол-мулкка эгалик қилишда, сақлаш ва авайлаб-асрашда эса мулкдорнинг ҳиссаси катта. Буларни амалга оширишда фойдаланиш харажатлари тўловидан самарали фойдаланилади. Лекин яшовчиларнинг кўпчилиги қўшнилар ҳисобига яшаётгани ачинарли ҳолдир. Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4-уй, 56-хонадондан Ҳайдаров (141004 сўм), шу уйнинг 27-хонадонидан Носова (116221 сўм; 36-хонадондан Хон (100 минг сўмдан ортиқ) Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-уй, 11-хонадондан Валиулина (126931 сўм), шу кўчадаги 4-уй, 46-хонадондан Шукурянц (139531 сўм), Лисунова кўчаси, 1 «а»-уй, 67-хонадондан Харьков (169884 сўм) сингари қарздорлар ана шулар жумласидандир.

Ахир хизматдан беминнат фойдаланиб, тўловларга келганда эса пайсалга солиш уят эмасми? Юқоридаги қарздорлар озгина ўйлаб кўришса, мажбуриятларини бажаришга киришса, бундан ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам фойда бўларди. Қарзингизни вақтида тўласангиз, кейин афсус чекмайсиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Нигоҳ*

## ФАХРЛАНИШГА АРЗИЙДИ

Шаҳримизга кўрк бағишловчи замонавий турар жой бинолари, улар атрофидаги ободлик, майдону кўчаларимиз, боғу хиёбонларимизнинг чирой очиши, гулу чечакларга бурканиши барча ҳамшаҳарларимизни қувонтириши, қалбларига завқ бағишлаши шубҳасиз.

Айниқса, ёзнинг ҳароратли кунларида ҳам яшнаб турган кўк майсалар майдонларга чирой бўлибгина қолмай, (суратда) инсон саломатлиги учун ҳам фойдали бўлиб, атрофга салқинлик, дилларга сокинлик бағишлар экан.



## ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА



Суратдаги ушбу нохуш ҳолат айни кунларда пойтахтимиздаги айрим кўп қаватли уйларнинг йўлакларида кўзга ташланиб, кўпчиликни ранжитмоқда.

Бу баъзи кўп қаватли биноларда яшаб, уйининг ичини безаб, йўлак ва ҳовлиларга келганда эътиборсизлик, лоқайдлик билан «Менга нима?» дегувчиларнинг иши.

Ахир уйдан чиққан мана шундай чиқинди ва ахлатларни йўлакка ташламай, белгиланган жойга тўкиш унчалик меҳнат ҳам талаб қилмайди-ку. Ушбу йўлакдан ҳар куни ўнлаб яшовчилар кириб-чиқишади, лекин бирортаси ахлат эгасига танбеҳ бермайдики, ана шу лоқайдлик туфайли, ёз кунларида турли касалликлар ҳам келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Эътиборсизлик ҳам эви билан-да. Эшигингизни очиб бир қаранг: уят эмасми?

*Футбол*

## БЕШИНЧИ ЎРИН БИЛАН КИФОЯЛАНИШДИ

**Олий лиганинг янги вакили Тошкент шаҳрининг «Локомотив» раҳбарияти ўринбосарлар тайёргарлигини маромига етказиш мақсадида ўқув-машғулот йиғинларига зўр бермоқда. Қувонарлиси, «Локомотив» ўринбосарлари ҳам халқаро турнирларда ўз омадларини синаб кўришмоқда.**

Куни кеча Таиландда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича «Таиланд қироли кубоги» турнири бўлиб ўтди. Унда иштирок этган «Локомотив» жамоасининг 1990 йилда туғилган ўринбосарлари анча мазмунли ўйин намойиш этиб бешинчи ўрин билан кифояланишди. Шуниси қувончлики, собиқ пахтакорчи, ҳозирда мураббийлик қилаётган Низом Нортожиев ҳамда Жамшид Абдураимов шогирдлари ҳисобланмиш «Локомотив» жамоаси ўринбосарлари АҚШ ўсмирлари жамоасини 6:1 ҳисобида мағлуб эта олишди. Таиланд провинция терма жамоаси билан ўтказилган муросасиз курашларга бой беллашув эса 1:1 ҳисобида жанговар дуранг билан якунланди.

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҚОЗОҒИСТОНГА БОРИШАДИ

**Мамлакатимизда бошқа спорт турлари қатори мини-футбол ривожига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.**

Маълумки, Қозоғистон Республикасининг Қарағанда шаҳрида 13 августдан мини-футбол бўйича халқаро турнир бошланади. Ушбу нуфузли мусобақада Россия мини-футбол премьер лигасининг учта клуби, Қозоғистон, Қирғизистон терма жамоалари ҳам иштирок этишади. Шуниси қувончлики, мазкур турнирга таклиф этилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мутахассислар томонидан совринли ўринлардан бирига даъвогар сифатида эътироф этилмоқда. Ҳозирда ҳамюртларимиз ўқув-машғулот йиғинларида қатнашишмоқда. Биз кўп минг сонли мухлислар номидан мини-футболчиларимизга омад тилаб қоламиз.

## МОГИЛЕВСКИЙ СИНОВГА ТАЙЁРМИ?

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва биринчи лигаларида кўп йиллар ҳакамлик қилган собиқ ФИФА рефереси Семён Могилевский ўзини бошқа соҳада ҳам синаб кўришга аҳд қилди.**

Гап шундаки, Могилевский эндиликда мураббий сифатида фаолият кўрсатади. Сўнгги олинган маълумотларга қараганда Могилевскийга биринчи лига вакили «MBV — Осиё» жамоаси бош мураббийлиги ишониб топширилган.

**(Ўз мухбиримиз).**

*Осиё чемпионати*

## ЯПОНИЯ ЯНА ҚИТЪАДА ЭНГ КУЧЛИ!

**Ўтган ҳафтанинг сўнгги кунларида деярли бир ой давом этган ва қизиқарли ҳамда шиддатли беллашувлари билан миллионлаб футбол ишқибозларининг кўнгилларини завқ-шавққа тўлдирган Осиё чемпионатининг ғолиб ва совриндорларни аниқловчи охирги беллашувлари бўлиб ўтди.**

Дастлаб майдонга учинчи ўрин соҳибини аниқлаш мақсадида Баҳрайн ва Эрон терма жамоалари тушишди. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу ҳар икки жамоа ўз таркиби ва ўйини жиҳатидан финалда ўйнашга ҳам муносиб бўлиб, озгина омад кулиб боқмаганлиги сабабли ярим финалда курашни тўхтатганди.

Кутилганидек, азалий анъаналарга эга ва таркибидан кўплаб кучли футбол юлдузлари ўрин олган эронликлар беллашув бошлариданоқ ташаббусни ўз қўлларига олдилар ва кетма-кет хавфли ҳужумлар уюштира бошладилар.

Шундай хавфли ҳужумларнинг бири муваффақиятли якунланиб, 9-дақиқада Жавод Мекунам кучли зарба билан ҳисобни очди. Биринчи бўлимда эронликларнинг саъй-ҳаракатлари ва Баҳрайн футболчиларининг қарши ҳужумлари самарасиз якунланиб, ўйиннинг дастлабки қисми шу кичик ҳисобда ўз поёнига етди.

Албатта, бундай ҳал қилувчи беллашувларда жамоалар бутун куч-маҳоратларини ғалаба йўлида сарфлайдилар. Бинобарин, чемпионат кашфиёти бўлган Баҳрайн футболчилари иккинчи бўлимни ҳужумкор руҳда бошладилар. Жарима тўпини Миржалол Қосимов усулида бажарган Талал Юсуф дарвозанинг тўққизлик бурчагини забт этган ҳолда ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. 52-дақиқада дарвозабоннинг бир оз олдинга чиқиб кетганидан унумли фойдаланган ҳолда Али Каримий унинг устидан ошириб аниқ зарба берган ҳолда Эрон футболчиларининг иккинчи тўпини киритди. Бу моҳир эронлик ҳужумчининг Осиё чемпионатидаги бешинчи голи эди.

Орадан беш дақиқа ўтгач Баҳрайн жамоаси ҳужумчиси Солиҳ Фарҳан бурчакдан чиқарилган ва дарвозабон қайтарган тўпни қайта зарба билан дарвоза тўрига туширган ҳолда яна ҳисобни тенглаштирди — 2:2.

80-дақиқада Эрон термасининг энг тажрибали ўйинчиси ва жамоа сардори Али Дайи пенальтини аниқ бажариб ҳисобнинг 3:2 бўлишига имкон яратди. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида Али Дайи яна бир бор тўп киритиб эронликлар ғалабасини мустаҳкамлади. 4:2 ҳисобида ғалаба қозонган эронлик футболчиларга Осиё чемпионатининг бронза нишонлари насиб этди.

Сўнг Пекиндаги ишқибозлар билан лиқ тўла «Ишчилар» стадиони яшил майдонига Хитой футболчилари ва Япония терма жамоаси аъзолари Осиё чемпионини аниқлаш учун тушиб, ўзаро куч синашишди.

Хитой термаси гарчи ўз майдонида тўп сурган бўлсада бироқ кучлар тенг эмасди. Ушбу мамлакат чарм тўп усталари Осиё чемпионатларида эришган энг йирик муваффақият 2-ўрин бўлиб, японлик футболчилар эса уч бор қитъа чемпионлиги насиб этган, энг муҳими улар амалдаги чемпион ҳам ҳисобланишарди. Жаҳон чемпионатида ҳам чиройли ўйин кўрсатган японлар Осиё чемпионати финал ўйинини ҳужумкор руҳда бошладилар. 21-дақиқада Такеши Фукушини жарима тўпи орқали ҳисобни очди. 30-дақиқада хитойлик Ли Нинг дарвоза тўрига туширган тўп таблода 1:1 ҳисобининг ёзилишига сабаб бўлди.

Албатта, финал ўйинида дуранг натижа қайд этилиши мумкин эмасди ва иккинчи бўлимда Япония футболчилари ўзларининг нималарга қодир эканликларини исботлашди. Шиддатли ҳужумларнинг бирида — 65-дақиқада Каджи Наката ҳисобни оширди.

Асосий вақт тугаганидан сўнг ҳакам қўшиб берган дақиқалар давомида япониялик Кеджи Тамада ўйинга сўнгги нуқтани қўйди ва кунчиқар мамлакатнинг 3:1 ҳисобидаги ишончли ғалабасини таъминлади. Шу тариқа афсонавий Бразилия футболчиси ўз вақтида «оқ Пеле» лақабини олган Зико етакчилиги остида Япония терма жамоаси қаторасига иккинчи бор қитъа чемпионлигини қўлга киритди.

Финал баҳсидан сўнг чемпионатнинг энг яхши ўйинчилари махсус мукофот билан тақдирланди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

*Тақдимот*

## КАРАТЭНИНГ ҚИЙИН ЙЎЛИ

**Республика Миллий матбуот марказида Каратэ миллий федерацияси президенти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, 6-ДАН Қора белбоғ соҳиби, таникли спортчи Нурхон Нафасов қаламига мансуб «Каратэнинг қийин йўли» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Унда каратэнинг юзага келиши тарихи, шунингдек, юртимизга каратэнинг кириб келиши, ривожланиш босқичлари, каратэчиларимизнинг турли халқаро турнирларда, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, жаҳон кубоги баҳсларида 130 та олтин, 85 та кумуш ва 111 та бронза медалларини қўлга киритишгача бўлган жараёнлари хусусида батафсил сўз боради

— Ватаннинг донғини таратиш бир ёки икки кишининг эмас, ҳаммамизнинг ишимиз,—деди жумладан тақдимотда сўз олган Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов. — Нурхон Нафасов буни яхши тушунди. Шу сабабли ўзбек каратэси қисқа муддатда жаҳонга танилди, ном қозонди. Мазкур китоб эса мутахассис спортчи-мураббийларга бир қўлланма бўлиб каратэ ҳақида ўзбек тилида чоп этилаётган биринчи китобдир.

Бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришмадик, — дейди Нурхон Нафасов. — Дастлаб кўплаб қийинчиликларни енгишга тўғри келди, кенг кўламдаги ташкилий ишларни амалга оширдик, сўнг эса йилдан йилга ютуқлар салмоғи ошди, спортчиларимизнинг нуфузи ортди. Аввалига бизни менсимайроқ қабул қилганлар бора-бора тажриба алмашиш, спорт делегациялари орқали ҳамкорлик қилиш ҳақидаги таклифлар билан тез-тез мурожаат қиладиган бўлдилар.

Мен шу халқ, шу юрт билан тирикман. Келажак авлод, ёш спортчилар, менга ишонч билдирган инсонлар олдидаги бурчимни теран ҳис қиламан. Шу боис ҳам умрим, куч-қувватимни шу муқаддас замин тараққиётига бағишлаганман. Дарҳақиқат Нурхон Нафасов ушбу меҳнатлари эвазига 1999 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози фахрий унвони билан тақдирланди.

Ҳозирда Ўрта Осиёда ягона 6-ДАН қора белбоғ соҳиби бўлган Нурхон Нафасов Осиё Каратэ федерацияси ижроия қўмитаси аъзоси ва Осиё Каратэ федерацияси президентлигига номзодлардан биридир. Унинг «Каратэнинг қийин йўли» китоби эса каратэ ҳақидаги барча саволларга жавоб беради деб ўйлаймиз.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

*Қаҳқаҳа*

## СОЙИБ ХЎЖАЕВ КУЛДИРАДИ

**Уста қушларга жуда ишқибоз экан. Буни билган наманганлик ҳазилкаш оғайнилар у кишига тўти совға қилишибди. Тўтини «булбулигўё» деб хўп таърифини келтиришган экан, машинада келаётиб секин гапга солиб кўришса, биргина жумлани билармиш холос: «Баттар бўл! Баттар бўл! Баттар бўл!».**

—Ҳа, ўзим сени ўқитаман. Гапирмаганингга қўймайман! Гапга кирмасанг ўзинг баттар бўласан! — дебди уста унга қараб.

Наманган билан Тошкентнинг ораси олис. Ярим кечаси уйларига кириб боришибди. Чарчагани учун келинойининг саволларига ҳам чала-чулпа жавоб бериб, дарҳол ухлагани ётишибди. Эртасига ишга шошилганидан, тўти ҳақида хотинлари билан яна гаплаша олмабди. Тушга бориб қорин очиб, уйга қўнғироқ қилибди:

—Ҳов, онаси, тушда бизни нима билан сийламоқчисиз?

— Э, битта қуш олиб келган экансизку, «Баттар бўл» деган,—хотинлари жавоб қилибди. — Ўшани сўйиб, тозалаб шўрва солгандим. Эрталабдан буён қайнатаман юмшай демайди! Газ пастлик қиляптимикин деб ташқарига қозонга олиб чиқиб солиб, бир арава ўтин ёқиб юбордим, пишай демайди!

Уста беихтиёр:

— Баттар бўл! Баттар бўл! Баттар бўл! — деб юборибди.

Буни эшитган хотинлари яна сўрармишлар:

— Ие, «баттар бўл»дан иккита олиб келувдингизми, дадаси?



**Сўзсиз сурат.**

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-909.

1 2 3 4 6